

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 4-oktabr, shanba № 79 (15821)

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИ



САМАРҚАНД ШАХРИДА БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИНИНГ 99-СЕССИЯСИ ЎЗ ИШНИ ЯКУНЛАДИ.

Президентимиз Исло Каримов халқаро анжуманининг очилиш маросимида нутқ сўзлагани сессия ишига чуқур мазмун бағишлагани алоҳида таъкидланди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг мазкур сессияси «Буюк Ипак йўли — халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари» мавзусига бағишланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Буюк Ипак йўли жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ноёб ҳодисадир.

Асрлар давомида олис мамлакатлар ва халқларни бир-бири билан боғлаган бу йўл ҳозирги даврда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда у Шарқ мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий ва маърифий ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ушбу халқаро робита марказида жойлашган Ўзбекистонда хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорликда туризмни ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам жаноб Талеб Рифаи!
Хурматли форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни — Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ва-зирлик ва идоралар, сайёҳлик ташкилотлари бошлиқларини, олимлар ва мутахассислар, жаҳон туризм саноати вакиллари-ни кутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак хур-мат-эҳтиромимни билдириш, Ижроия кен-гашининг 99-сессиясига самарали ва му-ваффақиятли иш олиб боришни тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Авваламбор, Ўзбекистон Президентини мана шундай қарсақлар билан, очик юз билан, кўтаринки кайфиятда кутиб олганингиз учун сизларга катта раҳмат айтмоқчи-ман. Бунга жавобан мен ҳам сизларни ай-нан Самарқандда, Ўзбекистонда кўриб тур-ганимдан чин дилдан хурсанд эканимни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Сизлар бизнинг заминимизга ташри-фингиздан мамнун ва рози бўлсангиз — бу менинг энг катта тилагим, десам, айни кўнглимдаги гапни айтган бўламан.

Бугун бу залда 150 дан ортиқ туризм саноати вакиллари ҳозир бўлганидан ха-бардорман. Бу анжуманда, шунингдек, биз-нинг дўстларимиз — Ўзбекистонда аккре-дитациядан ўтган хорижий дипломатлар ҳам иштирок этмоқда. Улар бизнинг ме-ҳмонларимиз билан биргаликда барча му-ҳим анжуман ва тантанали маросимлари-мизда доимо қатнашиб келишади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош коти-би жаноб Талеб Рифаи ва кенгашининг барча аъзоларига мазкур кенгашнинг навбатдаги сессияси мажлиси ўтказила-диган жой сифатида турли маданиятлар чорраҳаси ва жаҳон цивилизацияси дур-донаси бўлмиш қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрини танлагани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Самарқанд шаҳрининг тарихий аҳа-мияти, унинг беқиёс гўзаллиги ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Салкам уч минг йиллик ғоят бой тарих-га эга бўлган бу азим шаҳар ўзининг улғу-вор меъморий ёдгорликлари, мовий гум-базлари, бетакрор шарқона қиёфаси ва руҳи билан саёҳатчилар, туристлар ва меҳмонлар эътиборини тортиб келади.

Бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

Яқинда Американинг халқаро доиралар-да тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган «Хаффингтон пост» интернет наشري Са-марқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши ал-батта зарур бўлган дунёдаги 50 та ша-ҳарнинг бири сифатида эътироф этди ва ана шу шаҳарлар рўйхатига киритди.

Ўзида энг қадимги даврлар ва бугун-ги ҳаётни узвий равишда уйғунлаштир-ган ушбу шаҳарда туғилиб вояга етган инсон сифатида сиз, азиз меҳмонлари-мизни мана шу меҳмондўст заминда кўриш ва бутун Самарқанд аҳли номи-дан, шахсан ўз номидан «Самарқандга хуш келибсиз!» деб айтиш менга алоҳи-да мамнуният бағишлайди.

Қадри дўстлар!

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг бугунги сессияси мажли-сининг асосий кун тартиби ғоят муҳим масалага — «Буюк Ипак йўли — халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги и-стиқболлари» мавзусига бағишланган.

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақ-садида саёҳатга чиққанлар. Савдо кар-вонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чор-раҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

(Давоми 2-саҳифада)

БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ТАЛЕБ РИФАИНИНГ ЮНВТО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президен-ти Исло Каримов Жаноби Олийлари!
Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сес-сияси мажлисида қатнашаётганингиз билан кутлаш менга катта шараф бағиш-лайди.

Президент Жаноби Олийлари, сес-сиямиз ишида иштирок этганингиз учун Сизга самимий ташаккур изҳор этаман. Бу Сизнинг Ўзбекистон тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ту-ризм соҳасини шахсан қўллаб-қувват-лаётганингиздан далолат беради.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бар-ча давлатлар ва унинг Ижроия кенгаши номидан форум юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирмоқчиман.

Самарқанд шаҳри ва аҳолисига ҳам самимий меҳмондўстлик ва бугунги тад-бирни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўрсатган ёрдами учун чин кўнглидан та-шаккур айтаман.

Салкам 3 минг йиллик тарихга эга ва дунё тамаддуни бешиқларидан бири бўлган қадимий ва улғувор Самарқанд шаҳрида йиғилганимиздан барчамиз ғоят мамнунмиз.

Самарқанд — бу асрлар жилосини мужассам этган ва ўзининг бетакрор қиёфаси ва ноёблигини сақлаб келаёт-ган замонавий шаҳардир.

Бу бугун биз жам бўлиб турган, шар-қона шаҳарсозликнинг кўп асрлик анъ-аналари ва замонавий архитектура на-муналарини уйғунлаштирган ушбу ма-ҳобатли мажмуада ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу афсонавий шаҳарга мафтун бўлган шоир дунёда гар жаннат бўлса, у шубҳасиз Самарқанддир, деб таъриф-лаган.

(Давоми 3-саҳифада)

Prezident stipendiatlari

Огдуй талабанинг жигдуй тағқиқоти

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкило-ти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташки-лоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаётгани оқибатида сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди энг асосий микроэлемент ва вита-минлар етишмаслиги муаммосини бошдан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфай-ли 160 миллиондан ортиқ бола буй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишга доир камчиликлардан азият чекмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Имон-этиқод, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби фазилатлар халқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ

Президентимиз Исло Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, му-қаддас динимизни, азиз авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини теран ўрга-ниш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авай-лаш йўлида беқиёс ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Абдуҳолик Фиж-дувоний, Имом Бухорий,

Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотури-дий, Бурҳониддин Марғино-ний, Ҳазрати Имом мажму-алари сингари табаррук масканларда олиб борилган катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида бундай обида-лар диёримизнинг гўзал, файзли масканларига ай-ланди.

(Давоми 3-саҳифада)



ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

5



СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЕТАКЧИЛАР ҚАТОРИДА

7

Munosabat

Касбингни севсанг, қилаётган ишинг кимгадир наф келтирса, эл-юрт ишончини қозонсанг, бундан ҳам ортиқ бахт бўлмас экан. Биз, ўқитувчи ва мураббийлар бугун эътибор ва эъзоздан бошимиз кўкка етди. Юртбошимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини тинглар эканмиз, касбинмиз нақадар масъулиятли, шу билан бирга қанчалар шарафли эканини яна бир қарра ҳис этдик.

Таълим-тарбия масаласи қанчалик долзарб эканини бугун атрофимизда, айрим мамлакатларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб, амин бўласан, киши. Узоқни кўра билмаслик, ёшлар тарбияси, маънавий камолотига етарли даражада эътибор бермаслик оқибатида қандай муаммоли вазиятлар юзага келаётганини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Президентимиз табригида таъкидланганидек, «қарама-қаршилик ва зиддиятлар кўпайиб, инсон қалби ва онгини эгаллаш, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий оламини издан чиқариш, уларни ўз отанасига, эл-юртига қарши қўйишга қаратилган таҳдид ва хуружлар ку-

чайиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда» илму маърифат, маънавиятгина бизни бу бало-офатлардан қутқара олади. Бу борада, бизнинг зиммамизда залворли масъулият борки, уни адо этиш, билдириладиган юксак ишончни оқлаш бирламчи вазифамиз бўлмоғи керак, деб ўйлайман.

Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қил, деганларидек, дунёда юз бераётган ҳодисаларни оммавий ахборот воситалари орқали кўриб-кузатиб, Ўзбекистондек тинч ва осойишта диёрда, бағрикенг, бир-бирини ҳурмат қиладиган, шарқона тарбия кўрган, иймон-эътиқоди бутун, маданиятқи инсонлар билан бирга яшаётганимиз,

Маънавият, илму маърифат — халоскор

хотиржам илм олиб, меҳнат қиладиганимиз учун минг бора шукр қиламиз.

Кўп йиллик педагогик фаолиятим давомида бу нарсани ўқувчи-шоғирдларим қалбига сингдиришга ҳаракат қилиб келаман. Зеро, инсон қалбида ички маданият бўлмаса, маънавий олами тор, олижаноб фазилатлардан йироқ бўлса, ундан ҳеч ким наф кўрмаслиги аниқ. Қайси жамоада меҳнат қилмай, муаллим деган номга доғ туширмасликка, Президентимиз эъзозлаган, халқ ҳурматида сазовор бўлган ўқитувчи бўлишга ҳаракат қиламан.

Инсон қадрли баланд, меҳнати ҳамиша эъзозланадиган юртда менинг ҳам камтарона ҳаракатларим юксак эътироф этилмоқда. Аслида биз, ўқитувчилар учун шоғирдларнинг камоли ҳам катта бахт. Биз нимаики ўргансак,

шу ёш авлод учун ўрганамиз, нимани ўқисак, уларга шу нарсани таълим бермоқ мақсадида ўқиймиз, изланамиз, янгиликларга интиламиз. Улар эртага қайси соҳада бўлмасин, шу юртга сидқидилдан хизмат қилса, бу биз, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳам ютуғимиздир. Ҳолбуки, мамлакатимизда сидқидилдан меҳнат қилган инсон ҳеч қачон рағбатсиз қолмаслигига мен ҳаётим давомида кўп марта гувоҳ бўлдим.

2006 йилда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллаб, «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. 2008 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасининг ҳакамлар ҳайъатидан жой олдим. 2009 йили меҳнатларим давлатимизнинг яна бир юксак мукофо-



ти «Шухрат» медалига муносиб кўрилди.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони билан тақдирландим. Бу, авваламбор, давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасига қаратаётган юксак эътибори, қолаверса, айтиб ўтганимдек, интиларган, меҳнат қилган кишиларга берилётган

рағбатнинг ёрқин намунаси.

Келгусида ҳам бундай юксак эътибор ва ишончга муносиб меҳнат қилишга ҳаракат қиламан.

Нигора БОБОЕВА,
Нарпай туманидаги
64-мактабнинг кимё
фани ўқитувчиси,
Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими

Оддий талабанинг жиддий тадқиқоти

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Бугунги куннинг шу каби қатор долзарб мавзу ва муаммолари юзасидан пойтахтимизда жорий йилнинг 5 — 6 июнь кунлари бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда жаҳоннинг қирқдан ортиқ мамлакатидан иштирок этган олимлар, эксперт ва инвесторлар мамлакатимизда озиқ-овқат танқислиги муаммосининг олдини олиш чора-тадбирлари пухта ишланганини алоҳида эътироф этди. Бу борада қатор ислохотларнинг амалга ошириладигани, унга аграр соҳа мутахассислари, олимлар, айниқса, ёш тадқиқотчиларнинг кенг жалб этиладигани жамоатчилик эътиборини тортди.

Ёш тадқиқотчилардан бири, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти магистранти Анвар Шамсиевнинг илмий изанишлари шу жиҳатдан диққатга моликдир.

Юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етишти-

риш, уларнинг янги навларини кашф этиш ҳар қачонгидан муҳим. Бу борада кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, экологик тоза маҳсулот етиштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Анвар танлаган илмий йўналиш ҳам ана шундай долзарб масалага бағишланган.

Болалигидан қишлоқ хўжалиги соҳасига меҳр қўйган тенгдошимиз келажакда етук мутахассис бўлиб, мамлакатимиз иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшишни кўнглига тугди. Эзгу мақсад йўлида ўқиб-изланди, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига ўқишга кирди. Айни пайтда Анвар Шамсиев «Ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиб, арзон ва сифатли картошка етиштириш» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Ёш тадқиқотчи дуккакли экинлар — мош ва нўхатдан кейин картошка экилганда ернинг минерал ҳолатида азотни тежаш, ўсимликнинг табиий азот ҳисобига ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдор-

лигини ўрганиш, самарадорлигини баҳолаш, маҳсулотнинг экологик софлигини таъминлаш, шунингдек, кўчат усулида картошка етиштириш бўйича изланиш олиб борди. Унинг дастлабки ҳулосаларига кўра, мош ва нўхатдан кейин экилган картошка учун сарфланган минерал ўғит 38-40 фоизгача камайган. Ўғит учун кетадиган меҳнат ва бошқа сарфхаражатларнинг тежалиши ҳисобига иқтисодий самарадорлик юқори бўлиши, аҳолини сифатли ва тоза маҳсулот билан таъминлаш имконининг ошиши аниқланган. Шунингдек, картошка туғунакларида макроўғит ва ўстирувчи стимуляторлар эритмасида ишлов бериб, қумда ундирилган ўсимталарини 70x20x2 сантиметр схемаларда етиштириш орқали ҳар бир тупдан 453-526 граммгача ҳосил олиш мумкинлигини исботлаб берди.

Тенгдошимиз тадқиқотини Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув-тажриба майдони ҳамда республика сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-

тадқиқот институти вилоят таянч пункти далаларида олиб борапти. Анварнинг соҳага доир миллий ва хорижий адабиётлардан олган билимлари илмий таҳриба ўтказиш жараёнида қўл келмоқда.

— Бугун кўплаб мамлакатларда озиқ-овқат захиралари масаласи долзарб муаммо бўлиб кўтарилиб улгурди. Бироқ юртимизда ўз вақтида тўғри чора-тадбирлар кўриладигани, ишлар самарали йўлга қўйилгани туфайли бу борада муаммо йўқ. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар ҳам соҳа тараққиётига хизмат қилмоқда, — дейди ёш тадқиқотчи. — Хусусан, аграр соҳасига қаратилган юксак эътибор мен каби ёш тадқиқотчилар фаолиятига ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатапти.

Изланишлари бесамар кетмаган тенгдошимизнинг саъй-ҳаракатлари муносиб эътироф этилмоқда. У тала-

балик даврида Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиби, «Иқтидорли талабаларнинг илмий ишлари» ва «Агар мен депутат бўлсам» танловлари ғолиби, 2013 йилда эса қишлоқ ва сув хўжалиги таълими йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори бўлди.

— Анвар билимга чанқоқ ва талабчанлиги билан бошқа талабалардан ажралиб туради, — дейди Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ўсимликшунослик кафедраси доценти Абдушукур Ҳамзаев. — У ўз устида мунтазам ишлайди, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, соҳага оид янгиликлардан бохабар бўлиб боради. Шоғирдимиз илмий тадқиқотдан ташқари, институт тадбирларида, тақдимот ва илмий ажуманларни ташкил этиш жараёнида ҳам фаол. Биз, устозлар мана шундай шоғирдларимиз борлигидан гурурланамиз.

Тенгдошимиз ўқув-машғулотлардан ташқари, шахмат, шашка ва стол теннис билан ҳам мунтазам шуғулланади. У бадий ижод илосманди, китобга меҳри баланд.

Китобга ошно бўлган инсон ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди, бизни камолот сари бошлайдиган ҳам китобдир, дейди Анвар.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири

«Saylov — 2014»

2014 йил 3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига биноан парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси ўз мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таклифларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги

қонуннинг 7-моддасига мувофиқ сайлов округларининг рўйхати уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Мажлисида 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Мажлис иштирокчилари Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

ЎЗА

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda



ЎЗА фотомухбири Зухриддин УМУРЗОҚОВ олган сурат

ФАРЗАНДАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Фарзандлари соғлом, билимли юртнинг келажига буюқдир!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-

хунар коллежларининг 4 мингдан зиёд ўқувчиси иштирок этди.

— Ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жисмонан ва маънан етук авлодни вояга етказиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир, — дейди «Камолот» ёшлар

ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Акмалжон Жумабоев. — Бундай тадбирлар ана шу олижаноб мақсадлар йўлида ёш авлодни турли ёт ғоя ва иллатлар таъсиридан асраш, иқтидорли ёшларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Таниқли эстрада хонандалари ва ёш ижрочилар томонидан намойиш этилган концерт дастури йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Hududiy kengashlarda

Бошланғич ташкилот етакчилари семинари

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши томонидан 2014-2015 ўқув йилида туманда жойлашган барча умумтаълим муассасаларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчилари фаолияти самарадорлиги, тажрибасини ошириш, ишни тўғри ташкил этиш кўникмасини шакллантириш мақсадида «Умумтаълим мактаблари бошланғич ташкилотлари фаолиятини тўғри ташкил этиш жиҳатлари» мавзuida ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда «Камолот» ЁИХ туман кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов, кенгаш бош мутахассиси Бекзод Каримов, етакчи мутахассислар Алишер Ёрматов ҳамда «Баркамол авлод» болалар маркази етакчи мутахассиси Нилуфар Тўраева иштирок этди.

Семинар давомида Ҳаракатнинг туман кенгаши етакчи мутахассиси А.Ёрматов «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ҳужжатларини шаклланти-

риш, танлов низоми, мақсад ва вазифалари, танловни ташкил этиш босқичлари, ғолибларни рағбатлантириш мезонлари бўйича маълумот берди.

Семинар иштирокчиларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги томонидан 2012 йил 27 февралда имзоланган «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги

бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори мазмун-моҳияти юзасидан тушунча берилди.

Мазкур қўшма қарор бўйича бошланғич ташкилот етакчиси ўттиз ёшдан ошмаган, камида уч йиллик педагогик тажрибага эга, олий маълумотли, бошланғич ташкилот кенгаши аъзоси бўлган ҳисоботлар орасидан ҳисобот-сайлов йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан сайланиши, мактаб сардорлар кенгаши аъзолари таркибининг шакллантириш босқичлари ва йўналиш сардорларини сайлаш тартиби тўғрисида айтиб ўтилди.

Семинар давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда мавзу юзасидан ўз тақдимотларини ўтказди.

Алибек
ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири

Vogelikka nigoh

Инсон психологияси — сирли хилқат

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида талаба-ёшлар ўртасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, ижтимоий руҳий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш чораларини кўриш, ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш мақсадида «Психологик хизмат марказлари» ташкил этилмоқда. Бу хизматлар шахснинг ҳар томонлама камол топиши, болалар ривожланишининг барча даврларида психологик саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятлари, қизиқиши, лаёқат ва қобилиятини алоҳида ўрганиш борасида психолог ота-она, ўқитувчилар, синф жамоаси ва болалар билан бирга иш олиб бориши керак.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошида «Умумий психология» ва «Амалий психология» кафедралари ташаббуси билан психологик хизмат маркази ташкил этилган. Бу ерда талабалар ўзларини ўйлантираётган муаммолар бўйича психологларга мурожаат этиб, тегишли маслаҳатлар олмоқда. Марказга университет профессорлари, психология фанлари доктори Нуриддин Сафаев раҳбарлик қилмоқда.

Марказда психодиагностика, психологик маслаҳат, оила психологияси ва психологик коррекция йўналишлари мавжуд бўлиб, унда талабаларнинг руҳий ҳолатлари тест дастурлари орқали ўрганилади. Тез-тез ўтказиб туриладиган шахсни ривожлантирувчи ва эмоционал тренинглар муаммога дуч келган талабани ўзини-ўзи бошқариш, ўзига нисбатан ишонч уйғотиш ва тушкун ҳолатдан олиб чиқишга ёрдам беради.

— Ушбу марказ талабаларнинг психологик муаммоларини ҳал этиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида фаолият олиб борапти. Гуруҳ раҳбарлари билан тренинглар олиб бо-

рилди. Талабаларга психологик ёрдам кўрсатилди, — дейди марказ раҳбари Нуриддин Сафаев. — Педагогика ва психология факультетидаги учта кафедранинг барча ўқитувчилари марказ фаолиятига жалб этилган. Яқинда талабалар тураржойларида психологик тест ўтказишни режалаштирганмиз. Бундай тренинглар орқали талабаларнинг психологик ҳолати ва уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш мақсад қилинган. Психологик кўмакка муҳтож талабаларни марказимизга жалб қилиб, аниқ ва фойдали тавсиялар бериш ниятидамиз.

Юқори малакали профессор-ўқитувчилар «Психологик хизмат маркази»да машғулотларни замонавий технологиялар асосида ўтмоқда. Психология йўналишида таълим олаётган талабалар ўқиш жараёни билан бирга мазкур марказда амалиёт ҳам ўтамоқда. Бундай марказларнинг ташкил қилиниши ёшларнинг ҳар томонлама етук шахслар бўлиб вояга етишига қаратилган саъй-ҳаракатлар намунасидир.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири



Комлежга устоз-шоғирдлик анъанаси

Учкўприк қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи тумандаги илғор ўрта махсус таълим муассасаларидан бири. Унда саккизта йўналиш бўйича бир минг уч юз саксон нафар йигит-қиз таълим олмақда. Уларга юздан ортиқ ўқитувчи касб-хунар сирларини ўргатиб келмоқда. Педагогик жамоанинг асосий қисми ёш мутахассислардан иборат.

Қаердаки ҳамжиҳатлик, ижодий муҳит ҳукмрон бўлса, ўша ерда иш унумли бўлади. Мазкур жамоанинг аҳиллиги, соғлом рақобат муҳитининг шаклландиришида коллежда узоқ йиллик меҳнат тажрибасига эга устоз-мураббийларнинг фаолият олиб бораётгани муҳим омил бўлмоқда. Барча яхши жомаларда бўлгани каби Учкўприк қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ҳам «устоз-шоғирд» анъанаси бўлиб, унинг асосида ёш мутахассислар тажриба ва мажоратини ошириб келмоқда.

Ўттиз икки йилдан бери ёш авлодга жисмоний тарбиядан сабоқ бериб келаётган Хусанжон Комиловни коллежда каттаю кичик бирдек ҳурмат қилади. Оддий, камтарин бу инсон кўп йиллик фаолияти давомида юзлаб ёшларнинг спортга илк қадам қўйишига сабаб бўлган. Муаллимнинг ўқувчилари вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этади. Жумладан, жорий йил Наманган вилоятида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ҳамда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Камолот» кубоги» спорт мусобақасида Ислон Убайдуллаев ва Бегзод Эшонхонов каби шоғирдлари фаол қатнашди. Коллежнинг Хусанжон Комилов тайёрлаган футбол жамоаси «Камолот» кубоги» нинг ҳудудий босқичида голиб бўлди.

Аксарият ёш ўқитувчилар Хусанжон муаллимни педагогикадаги устозлари деб билади.

СУРАТДА: Хусанжон Комилов ёш ўқитувчиларга ўз тажрибаларини ўртоқлашяпти.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Устозларга эхтиром

Паркент туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказида «Офтобга ўхшайсиз, устоз» мавзуида байрам тадбири ташкил этилди.

Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда ота-оналар иштирок этган тадбирда шоғирдлар жонкуяр устозларига гулдасталар улашиб, дил сўзларини айтди. «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази ўқувчиларининг устозларни тарафдор этиш ва ҳурмат қилиш, миллий рақслари тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади. Айниқса, мусиқа тўғрисида Дилрабо Самарованинг дуторда ижро этган «Хушнаво» куйи барчага манзур бўлди.

Лайло ҲАСАНОВА

Жиноятга жазо муқаррар

Хом хаёлар гирғоби

Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро сингари азиз авлиёлар, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк муҳаддис ва алломалар бутун ислом оламида маълуми машҳур. Мустақиллик йилларида ана шу буюк зотларнинг муборак номлари билан бирга халқимизнинг маънавий ва диний қадриятлари қайта тикланди. Зиёратгоҳ ва қадам-жолар обод этилди.

Муқаддас динимиздаги инсонпарварлик ғояларининг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш учун барча шароитлар муҳайё қилинди. Буларнинг барчаси, албатта, истиқлол берган имкон самарасидир. Бироқ дин, эътиқод эркинлиги яратилган мамлакатимизда ислом аҳқомлари, муқаддас китоблар, оятларни бузиб талқин қилаётган «олим»лар томонидан динимиз шаънига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этилаётгани барчамизни ташвишга солади.

Диний адабиётлар талқинида чоп этилган айрим китоблар борки, ундаги заиф, гўр тушунчалар ёшлар онги ва руҳиятига таъсир этмай қўймайди. Пала-партиш

ёзилган ёки қайсидир тилдан таржима тариқасида баён этилган афсонаю ривоятлар, фуқаролар тинчини бузиш, вазиятни беқарорлаштиришга сабаб бўладиган уйдирмаларни тарқатиш, одоб-ахлоқ меъёрларига ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ваҳималарга асосланган ана шундай материалларни тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланиб келган вобкентлик Р.Чўлиев, Ф.Шукуров ҳамда яна бир гуруҳ кимсаларнинг жиноятлари фош этилди.

Улар ўз жиноий шериклари — бир-бирига яқин қариндошлар: вобкентлик Р.Чўлиев, Б.Шукуров, Ф.Шукуров, С.Раҳимов, доғистонлик Абдурашид, қирғизистонлик Муҳам-

мад, Сардор ва Ҳаким исмли шахслар билан ўзаро тил бириктириб, ғаразли мақсадларини амалга ошириш пайига тушади. Пул топишнинг ҳеч қандай жисмоний куч талаб қилмайдиган йўли уларга беҳад маъқул бўлади. Диний ақидапарастликка оид «Мурожаат», «Ислон халифалиги», «Васият» номли маърузалар, жиҳод ҳақидаги маъруза ва видеолавҳалар ёзилган дискларни қонунга хилоф тарзда сақлаб, хуфёна йўллар билан тарқатади. Шунингдек, жамоат аъзоларига хужра шароитида сабоқ бериб, уларга раҳбарлик қилади.

Ҳидоятга етакловчи куруқ сафсатадан иборат даъватлар, гўё икки дунё саодати етакловчи «шаҳид»ликка ундайдиган ғоялар билан кўплаб инсонлар, айниқса, маънан камолотга етмаган ёшларнинг онгини заҳарлайди.

Р.Чўлиев, Ф.Шукуровдан риёкорлик сабоғини олган Б.Шукуров ҳам ўз ишининг «уста»сига айланиб улгурган эди. Жиноий гуруҳнинг ўзаро тил бириктириган ҳолда Покистон, Сурия, Афғонистон ва бошқа давлатларда гўё қийналиб, азият чекиб келаётган мусулмонларга

ёрдам бериш мақсадида уларга қурол-аслаҳа етказиб беришдек қабих режалари амалга ошмай қолди.

Ўзга юртда туриб, ўз юртига тош отмоқчи бўлган кимсалар Россия Федерациясининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан сўроқ қилинди ҳамда ушбу бир гуруҳ шахсларнинг барча жиноий кирдикорлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси ва бошқа қонунлари асосида кўриб чиқилди. Қўшни давлатлардаги нотинчликлар, мусулмонлар ўртасидаги ихтилофлар ва уларнинг сабабларини, зарарли оқибатларини халқимиз орасида ҳам келтириб чиқаришга уринган, ўзини эътиқод оламининг пешволари, деб билган жиноятчилар айбларига иқдор бўлиб, пушаймонликларини билдирди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Қабих ниятли бу кимсалар қонуний жазого тортилди.

Бобур УМАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Бухоро вилоят суди
раиси ўринбосари,
Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири.

«Хирмонда ҳозир»лар

Мўмай даромад илинжида турли фильм, концерт, клип ва бошқа материалларни яширин равишда кўпайтириб пуллаётган ва божхона сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтишга уринаётган сохта «тадбиркор»лар муаллифлик ҳуқуқларини кўпол равишда бузиб, уларга жиддий зарар етказиш билан бир қаторда хорижнинг ур-йиқит, шовқин-суронли ва баъзида беҳаё фильмларини кенг тарқатиш орқали ёшларимиз маънавиятига жиддий хавф солади.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида республикамиз божхона ходимлари томонидан доимий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Келес» темир йўлчегара божхона пости ходимлари «Москва — Тошкент» поезди орқали юртимизга кириб келган фуқаро Комилжон (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) томонидан 1750 дона DVD ва CD дискларнинг яширинча олиб кирилишининг олдини олдилар.

Мазкур пост ходимлари қўшни давлат фуқароси Сеилхоннинг нафақат божхона қоидалари, балки инсоний фазилатларга ҳам зид бўлган хатти-ҳаракатларини фош қилдилар. Ушбу шахс 24 дона беҳаё мазмундаги видеолавҳалар ёзилган 4 дона DVD дискини яширинча олиб киришга уринган экан.

Шунингдек, «Бошпочамт» божхона пости ходимлари самарқандлик фуқаро номига Россия Фе-

дерациясидан йўлланган почта жўнатмасини амалдаги тартибларга мувофиқ, божхона назоратидан ўтказганда, божхона баённомасида кўрсатилмаган 32 дона DVD дисклар борлиги аниқланди.

«Москва — Душанбе» поезди йўловчиси, қўшни давлат фуқароси Низомидиннинг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Болдир» темир йўлчегара-божхона пости инспекторларини алдашга уриниши наф бермади. У ўзи ўтирган ўриндик остига 54 дона контрафакт тарзда кўчирилган DVD дискларини яширганча олиб ўтишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди. Мазкур поездининг яна бир йўловчиси, душанбеллик Акбарга ҳам контрафакт тарзда кўпайтирилган 41 дона DVD дисклар билан манзилига етиб бориш насиб қилмади.

Маълумки, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги қарорига мувофиқ, амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланган. Унга кўра, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, реализация қилиш, прокатга бериш билан шуғулланиш учун лицензия талаб этилади.

Амалдаги тартибларга мувофиқ, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек, фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турлари Интеллектуал мулк агентлиги ҳузуридаги эксперт комиссиясининг лицензиялари асосида фақатгина юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига мувофиқ, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларнинг контрафакт нусхаларини сотиш савдо қоидаларининг бузилишига асос бўлади. Шунга қарамай, мазкур тартибларга риоя қилмаётган айрим шахсларнинг ноқонуний фаолиятига республикамиз божхоначилари томонидан чек қўйилмоқда.

Жумладан, Хоразм вилояти божхона ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорлик-

да ўтказилган тезкор тадбир давомида янгибозорлик Назира турли кино, мусиқа ва клиплар ёзилган 211 дона дискка тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмади.

Сурхондарёлик божхоначилар эса ҳамкорликдаги тадбир давомида деновлик Нуралининг ноқонуний фаолиятига чек қўйди. Натижада, контрафакт тарзда кўпайтирилган 254 дона DVD ва CD диск холислар иштирокида далилий ашё сифатида олинди.

Эслатиб ўтайтиш, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 9-моддасига мувофиқ, давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, маънавият, инсон ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, Юртимиз ҳамда бошқа мамлакат халқларининг бадий, тарихий ва археологик бойликларини, мулк ҳуқуқини, жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни, олиб қилинган товарларни истеъмол қилувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, республикамизнинг бошқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига асосан айрим товарлар ва транспорт воситаларини мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ҳамда олиб чиқиш тақиқланиши мумкин.

Давлат божхона
қўмитаси
Ахборот хизмати

«Osiyo o'yinlari — 2014»

Спортчиларимиз етакчилар қаторида

Бугун Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида икки ҳафта давом этган ва миллиардлаб мухлислар нигоҳида бўлган XVII Осиё ўйинларининг ёпилиш маросими бўлиб ўтади. Кеча ўзига хос қитъа олимпиадасида иштирокчилар спортнинг бир неча тури бўйича медаллар учун кураш олиб борди. Жумладан, юртдошларимиз энгил атлетика, таэквондо, каратэ, бокс бўйича ғолиблик учун майдонга чиқиб, ўзларининг нималарга қодир эканини амалда намойиш этди.

Умуман, яқунланаётган Осиё ўйинлари ўзбек спортчиларининг салоҳияти юқори эканини яна бир бор кўрсатиб берди. Жамоавий ва яқалик беллашувларда спортчиларимиз юқори натижаларга эришди.

Мамлакатимизда қизлар ва аёллар спорти жадал ривожланаяпти. «Соғлом она соғлом болани дунёга келтиради», деган фикр умуммиллий тафаккур меваси ўларок, юртдошларимиз саъй-ҳаракатларида ўз ифодасини топаётир. Бугун қизалоғини етаклаб, спорт мактаби ёки тўғарагига олиб бораётган ота-онани кўрсанган, ажабланмайсиз. Ушбу қараш, тафаккур ҳосиласи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам

шуғулланётган, керак бўлса, халқаро майдонларда улкан ғалабаларга эришаётган қизлар тимсолида бўй кўрсатаёпти. Хусусан, яқунланаётган Осиё ўйинларида ҳам ўзбекистонлик спортчи қизлар ўз куч ва имкониятларини намоён эта олди.

Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси қитъада тенгсиз эканини яна бир қарра исботлаб, Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида чемпионлик шохсупасига қўтарилди.

Ўзбекистонлик яна бир спортчи қиз, энгил атлетикачи Светлана Радзивилнинг натижаси ҳам таҳсинга лойиқ. У баландликка сакраш мусобақасида барча рақибла-



Анвар ИЛЁСОВ олган сурат

ридан устун келиб, олтин медални қўлга киритди. Анастасия Сердюкова, Надя Дусановага бронза медалъ насиб этди.

Осиё ўйинларида вакилларимиз, шунингдек, бокс, каратэ, таэквондо бўйича ҳам совринли ўринларни эгаллади. Боксчи Шаҳобиддин Зоиров делегациямиз ҳисобига навбатдаги кумуш медални келтирган бўлса, яна бир бокс устаси Ойбек Мамазулунов ҳамда каратэ устаси Гофиржон Зоҳидов бронза медалъ совриндори бўлди.

Энгил атлетикачимиз Иван Зайцев эса найза

улоқтириш мусобақасида бронза медални қўлга киритди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон делегацияси ҳисобидаги медаллар сони 3 октябрь куни 43 тага этди. Уларнинг тўққизтаси олтин, ўн тўрттаси кумуш ва йигирматаси бронза.

Осиё ўйинларининг ёпилиш маросими, умумий яқунлари, жамоаларнинг натижалари, спортчиларимиз иштироки ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонидан кенгроқ маълумот берамиз.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» муҳбири

Bolalar sporti

Пойтахтимиздаги «Жар» стадионида маҳалла болалар футбол жамоалари ўртасида «Футболимиз келажаги» анъанавий турнирининг республика финал босқичи ўтказилди.

Маҳаллага чемпион болалар улғаймоқда

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, Касаба уюшмалари федерацияси, Футбол федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақанинг очилишига бағишланган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Жорий йилда қуйи босқичларда бир миллиондан зиёд бола иштирок этган «Футболимиз келажаги» анъанавий турнири маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, навқирон авлоднинг спортга қизиқишини кучайтириш, улар ўртасида футболни янада оммалаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда. Финал босқичи уч ёш тоифасида — 9-10, 11-12 ва 13-14 ёшли ўғил болалардан иборат жамоалар ўртасида бўлиб ўтди.

9-10 ёшли болалар ўртасида Боғдоқ туманидаги Самарқанд маҳалласи жамоаси биринчи, Бухоро шаҳридаги Ашфор маҳалласи жамоаси иккинчи, Жомбой тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла жамоаси учинчи ўринни эгаллади. 11-12 ёшлилар ўртасидаги баҳсларда Тўртқўл туманидаги Марказобод маҳалласи жамоаси ғолиб бўлди. Пастдарғом туманидаги Синчи маҳалласи жамоасига иккинчи, Жиззах туманидаги Зиёкор маҳалласи жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

13-14 ёшли футболчилар ўртасидаги учрашувларда Сариосиё туманидаги Гулобод маҳалласи, Жиззах туманидаги Қатортол маҳалласи ва Наманган шаҳридаги Умид маҳалласи жамоалари кучли учликдан жой олди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

Imkoniyat

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида банк тизимининг устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг инвестиция портфелларини мониторинг қилиш департаменти, Ўзбекистон Банклари уюшмаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси масъул ходимлари иштирок этди. Анжуманда банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳусусида сўз борди.

Жорий йилда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 6,3 триллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп демакдир. Мазкур маблағнинг 1,3 триллион сўми микрокредитлардир. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини молиялаштиришга 124,4 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилган.

Тадбир доирасида болаларга тиббий хизмат кўрсатаётган «Янги лазер чирой» масъулияти чекланган жамиятининг «Heiberg Clinic» тиббиёт масканида кўргазмали семинар ўтказилди.

Назokat ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» муҳбири

Tuman boylik

Аллергия — муаммо эмас...

— Салқин тушиши билан кўп аксираман, бурним битирилади. Айниқса, дарс вақтида шундай аҳволга тушсам, ўзимни ноқулай сезаман. Шифокорга учрашиб у тавсия қилган муолажаларни олдим, вақтинча тузалгандай бўлди, лекин... Нима қилсам, бу ноқулайликдан бутунлай қутуламан?

Дилшода Жўраева, Навоий вилоятидан

Хиббат Болтаев,
тиббиёт фанлари номзоди,
отоларинголог:



— Кўпинча шамоллаш ва аллергия касалликларини ажратиш қийин. Аллергияга учраган кишиларда бу ҳолат кўпроқ кузатилади. Аллергик ринитларнинг мавсумий ва доимий тури мавжуд. Баҳор ва кузда хуруж қиладиган аллергия ринитлар мавсумий дейилади. Бу баҳорда ўсимлик ва дарахтларнинг гуллаш даври билан бошланади. Куздагиси асосан, пахта терими вақтида кўзгаётиди. Мавсумий аллергия ринитлар даволанмаслик оқибатида сурункали касалликка айланади. Доимий формаси йил давомида бир хил кечади. Бундан ташқари, ташқи факторлар ҳам катта аҳамиятга эга. Баъзиларда уй ва кўча чанглари, ҳар хил бўёқ, атир, совун, ун чанги, ҳатто қуёш нурига ҳам

аллергия бериш ҳолатлари кўп учрайди. Доимий аллергиянинг сабабларидан яна бири бурун тўсиғининг қийшайишидир. Унинг клиник белгилари: аксириш, бурун битиши, бурундан сув оқиши ва қичиши. Баъзида бу белгилардан бири учраши ҳам мумкин. Шунинг учун баъзи беморларда бу шамоллаш билан аралаштириб юборилиб, шамоллаш сифатида даволанилади.

Аллергик ринитларда бурун чиганоғи оқариб, ўрта чиганоқ жуда катталашиб кетади. Шамоллашда эса чиганоқ қизаради. Аллергия ҳолатида дори солганда чиганоқлар кичраймайди.

Даволаш усуллари:

Аллергик касалликлар учун парҳез муҳим ўрин тутаяди. Жумладан, қизил рангли озиқ-овқат маҳсулотлари, аччиқ, муздай нарсалар, турли ичимликлар истеъмол қилиш мумкин эмас. Булар аллергиянинг иккала турини ҳам кўзғатиши мумкин.

Дори-дармонлардан антигес-

тамин препаратларининг охириги авлоди: фексофен, зефексал, лоротадин яхши натижа беради.

Маҳаллий даво чораларидан турли аэрозоллар (флутикс, назонекс, алдицин ва бошқалар) кенг қўлланилади. Бундан ташқари, антигистамин препаратлари билан электрофарез ҳам яхши натижа беради.

Юқоридаги муолажалар ёрдам бермаганда баъзан бурун чиганоғини блокада қилишга тўғри келади. Аллергик ринитларнинг доимий формасида асосий сабаб бурун тўсиғининг қийшайиши бўлганда, албатта, хирургик муолажага мурожаат қилинади. Даво тадбирлари ичида нафас машқларини бажариш, ғоз ёғини қўллаш ҳам тавсия этилади.

Шуни ёдда тутинг: аллергия кўзғамасидан олдин шифокорга учраб, вақтида қунт билан даволанинг. Шунда бу касалликдан бутунлай фориғ бўласиз.

Istiqlol tuhfalari

Юксак эътибор
намунаси

Ота-она фарзандига меҳр ва эътибордан азизроқ ва қимматлироқ нарсани тухфа қилолмайди. Агар бола истеъдодли бўлса, уни руҳан қўллаб-қувватлаш, оилада зарур шароитларни яратиб бериш, танлаган соҳаси бўйича таълим олишини таъминлаш керак.

Бугун мамлакатимизда давлатимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган эътиборни ҳам ота-

нинг ўз фарзандига кўрсатадиган ғамхўрлиги, онанинг меҳрига қиёслаш мумкин. Жумла-

дан, санъатга иқтидори бор ёшлар ҳам Юртбошимиз ва давлатимизнинг доимий нигоҳидадир.

Яқинда Эликқалъа туманида ана шу эътибор ва ғамхўрлик меваси ўлароқ, болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Икки қаватли, атрофи сўлим боғ билан ўралган мактабда 152 нафар ўғил-қиз таълим олапти.

Миллий ва замонавий меъморлик талаблари асосида барпо этилган масканда болаларнинг чуқур билим олиши, санъат сирларини пухта эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган. Ўқувчилар махсус синф хоналарида турли чолғу асбобларини чалиб, расм чизиб, кулолчилик буюмлари ясаб, ўз би-



лимларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мустаҳкамламоқда.

— Янги ўқув йилини замонавий ўқув биносида, қулай шароитларда кўтаринки кайфият билан бошладик, — дейди Эликқалъа туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Улуғбек Сейтимбетов. — Ўқувчиларимиз кенг, ёруғ хоналарда ўз ишининг усталари — тажрибали педагоглардан сабоқ олмақда.

Болалар мусиқа ва санъат мактабида ёшлар фортепиано, миллий ва замонавий чолғу асбоблари, анъанавий хонан-

далик, хореография, эстрада, ҳайкалтарошлик, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича билим олмақда.

— Аввал мактабимизда амалий санъат йўналиши йўқ эди, — дейди 7-синф ўқувчиси Сардор Жабборов. — Ўқув масканимизнинг янги биноси бунёд этилгач, ушбу йўналиш ташкил этилди. Каштачилик, кулолчиликка қизиқадиган мен каби ёшлар учун бу айти мудоао бўлди. Ушбу йўналишда устозим Юсуф оға Аметовдан кулолчилик сирларини ўрганаётман. Сополдан кўза, лаган, турли

идишлар ясайман.

Ҳозир мактабнинг 210 ўринли концерт залида «Юрт фарзандлари» фестивали ўзқазилмоқда. 7-синф ўқувчиси Денис Аметов «Ўзбекистон» кўшигини куйлади. Гулдона Иброҳимова «Тановар»га рақс тушди. Мана, саҳнада 4-синф ўқувчиси Ўғилло Озодова. У дутор чертиб, «Қорақалпоғим» кўшигини куйлапти...

Истеъдодли болаларни кўриб, юртимиз келажигининг янада ёрқин бўлишига ишончимиз ортади.


Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири



O'zbekiston tabiati

Яшил олам дилни яшнатади

Инсон ва табиат ўртасида кўз илғамас ришталар бор. Масалан, қанчалик ҳашамдор, кўркам ўйда яшаманг, ёрқиннингиздаги алмақандай тўйғулар сизни ҳалиша она табиат кўчоғига чорлаб туради.



Оддийгина гулни олайлик. Севимли инсонингиз учун ундан ҳам азизроқ совға бўлиши мумкинми? Ўйлаб кўрганмисиз, нега ҳар қандай қимматбаҳо буюмдан кўра гулнинг қадри баландроқ? Сабаби шуки, гул — табиат маҳсули.

Юртимизда инсоннинг ҳаётга бўлган муҳаббатини оширадиган шундай ўсимликлар олами борки, улар таърифни келтиришга баъзан сўз ҳам ожизлик қилади! Масалан, Ҳисор қўриқхонасининг ўзида 910 турдаги ўсимлик борлиги аниқланган. Улар 81 оила ва 384 туркумга мансуб.

Бу ўсимликлар орасида камёб ва



бошқа ҳудудларда йўқолиб бораётган 36 тури Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган. Оқ, Дилбанд, Сарғиш, Чимён лолалари, Бобров, Қашқадарё астрагаллари, Норширач, Оқ парпи, Ошанин пиёзи, Сунбул коврак, Ўзбекистон чиннигули, Чўзиқ пуфанақ шулар жумласидандир.

Шуниси қизиқки, қўриқхона ҳудудидаги ўсимликларнинг 250 турдан ортиғи, жумладан, қирқбўғим, зира, зирк, олтин томир, чаканда, равоч, бўймадорон, шувоқ, торон, салеб, рўян, сунбул, кийик ўти, қизил пойча, ошанин пиёзи, тоғбаргли пиёз, алқоп кабилар халқ томонидан озуқабоп ва доривор ўсимлик сифатида ишлатилади.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА
тайёрлади.

ЗУККО
МУХЛИСГА
САВОЛ:

Машҳур ўзбек адиби Носируддин Рабғузий тахаллусининг маъносини айтинг.

Жавобингизни 7 октябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Бухоро.
Қашқадарё вилоятидан Шаҳзод Абраҳматов тўғри жавоб йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Бахт ўз дўстларинг ёнингда яшаган, сен ҳар куни кўришиб турадиган, бирга ишлайдиган ва ўз вақтингни хушчақчақ ўтказиб турадиган дўстларинг билан бирга яшайдиган жойдадир.

Абу Али ибн Сино